



# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 7 май,  
№38 (1005)

#### ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ



## Шароит ва қулайлиги шаҳардаги уйларга тенг

*Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, массивлар атрофида замонавий инфратузилмалар барпо этиш борасидаги улкан бунёдкорлик ишлари кишилар кайфиятига, дунёқарашини ва уларнинг ҳаёт тарзига ижобий таъсир кўрсатаётир.*

■ **Юлдуз ҲОЖИЕВА**  
«Mahalla»

Бундай файзли манзаралар дунё ахлининг нигоҳи ва эътиборини юртимизга қаратиб, улларда чексиз ҳавас уйғотмоқда, ҳақли эътирофларга сазовор бўлмоқда. Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, бу каби бунёдкорликлар замонавий ёндашувлар, қўшимча қўлайликлар билан

бойитилаётир ҳам.

Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўла-

ди» номли маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, «Қишлоқларимиз аҳолисини нафақат қулай уй-жойларда, айни вақтда барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларига — тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва маданият муассасаларига эга бўлган обод посёлкаларда яшаши лозим. Лўнда қилиб айтганда, янгитдан барпо этилган бундай посёлкалардаги уй-жойларнинг сифат даражаси ва яратилган маиший қулайликлар шаҳардаги шароитлардан асло кам бўлмаслиги керак», дея таъкидлаб, бу борадаги саяё-ҳаракатларга янгича руҳ ва шиддат бағишлади.

> [2]

#### МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

## Кенгаш фаоллар ташаббусини қўлламоқда

*Маҳалла мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол гуяларига садоқат руҳида тарбиялашда таъсирчан идорага айланди.*

■ **Холбиби САФАРОВА**  
«Mahalla»

Албатта, кенг доирадаги воқолатлардан унумли фойдала-ниб, фаолият самардорлигини таъминлашда мавжуд шарт-шароит ва имкониятлар муҳим аҳамият касб этаётир.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Худудий кенгашлар бу борада та-янч вазифасини ўтамоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси, Худудий мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ўринбосари Нормурод Исоқов. — Жорий йилнинг илк чора-гида Худудий кенгаш ёрдами билан вилоятдаги 8 та маҳаллага компьютер жамланма-лари олиб берилди. Айниқса, чекка киш-лоқлардаги йиғинларнинг моддий-техник ба-засини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, Навоий вилоятининг Учқудуқ ва Томди туманлари марказдан анча олис-да. Бир пайтлар Қизилқум кенгликларидаги бу туманлар билан боғланиш қийин эди. Шунга яраша аҳолининг турмуш даражаси ҳам кўнгилдагидек эмас, чорвачилик билан машғул эл давр янгиликларидан деярли бе-хабар эди.

Истиқлол шарофати билан бу жойлар-даги ҳаёт тарзи батамом ўзгарди. Биринчи галда, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш-га эътибор қаратилиб, замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари қурилди, йўллар асфальтланди, табиий газ ҳамда ичимлик суви таъминоти йўлга қўйилди. Албатта, бу хайрли ишларда фуқаролар ўзини ўзи бош-

қариш органларининг ўрни бекиёс.

— Туманимизда 7 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Томди ту-мани бўлинмаси масъул котиби Лаззат Хо-лиқова. — Туман марказидан енгил маши-нада 3 соатча йўл босиб бориладиган овулларимиз бор. Айни пайтда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган-ни, ҳар бир овул фуқаролар йиғини компь-ютер жамланмаси, телефон ва факс аппа-ратига эгаллиги боис улар билан боғланиш-да муаммо йўқ. Электрон ҳужжат айланиши жорий этилгани туфайли вилоят маркази ва республика билан қандай боғлансак, овул фуқаролар йиғинлари билан ҳам шундай осон ва қулай алоқага киришялмиз. Бу, ал-батта, иш самардорлигини оширишга хиз-мат қилляпти.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши маҳалла фаолларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва малакасини ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, замонавий бош-қарув кўникмаларини шакллантиришга оид чора-тадбирларни ҳам амалга ошириб, ти-зим фаолиятини такомиллаштириш, самар-дорликни оширишга эришмоқда.

— Яқинда Навоий шаҳридаги «Ёшлар марказида» Фонд ходимлари учун ташкил этилган икки кунлик ўқув-семинарда ишти-рок этдик, — дея сўхбатимизни давом эт-тирди Л.Холиқова. — Семинарда фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фа-олиятини мувофиқлаштириш бўйича Худудий кенгашлар ишини такомиллаштириш ҳамда тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини юксалтириш, жорий этиш ва ри-вожлантиришнинг аҳамияти хусусида атроф-лича маълумот берилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи чорагида Худудий кенгаш ёрдами билан бизнинг бўлинмага янги компьютер жамланмаси олиб берилди. Бу тизимда иш ва сўз билигига далилдир.

Фонднинг Хатирчи, Конимех, Навбахор ва Учқудуқ туманлари бўлинмалари ходимлари ҳам Худудий кенгаш томонидан тизимни қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай ишлар амалга оширилаётганини эътироф этишади.

#### АНЖУМАН

## Ишбилармонлик ва инвестиция муҳити кичик бизнес ривожини учун

*Жамиид Умаров — ёш тадбиркор. У Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани Аҳмад Ясавий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Йиғит қисқа муддатда поли-этилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*



■ **Ю.ҲОЖИЕВА**  
«Mahalla»

Дастлаб банкдан кредит олиб, ўз бизнесини бошлаш мақса-дида йиғин мутасаддилари би-лан кенгаши. Йиғин қошида ташкил этилган «Маслаҳат маркази»да уни бизнес лойиҳа тузиш йўл-йўриқлари, соҳага оид қонун ҳужжатлари билан таништиришди.

Қувонарлиси, жорий йилнинг бош-ларида имтиёзли кредит маблағига эга бўлган тадбиркорнинг ишлари юришиб кетди. У ички бозорни ма-ҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш-га ҳисса қўшаётир. Жамшиднинг гал-даги режалари ҳам улкан: экспорт-бол маҳсулот ишлаб чиқариб, мам-лакат иқтисодини ривожлантиришга ўз улушини қўишшни ният қилган.

#### МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

## Ҳамкорлик кенг кўламли ва истиқболли

*«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифа-лар ижросини таъминлашда, албатта, ҳамкор ташкилотлар-нинг ёрдамига эҳтиёж сезилади. Чунончи, халқ депутатлари ша-ҳар ва туман Кенгашларининг амалий ёрдами бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.*

■ **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**  
«Mahalla»

Мисол учун, маҳаллаларда меҳ-натга лаёқатли, лекин иж-тимоий фаол бўлмаган аёл-ларни ишга жалб этиш, ёшлар тар-биясига эътиборни кучайтириш, ҳу-

ди республика бошқаруви қарори ҳамда чора-тадбирлар режаси асо-сида Фонднинг худудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йи-ғинларида ушбу сана олдидан уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий ёрдамлар берилляпти.

— Хотира ва қадрлаш тшун-чалари замирида инсонга, унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматига чексиз эҳтиром тўйғуси мужассам, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раи-си ўринбосари Дилшод Усмонов. — Шу боси Фонднинг республика бо-шқаруви томонидан маҳаллаларда умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмақда.



> [2]

#### МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

## Таклиф аниқ, муаммога

## ечим ҳам бор

*Дўстлик тумани ҳокимлиги-нинг навбатдаги ҳисоботи Ис-тиқлол қишлоқ фуқаролар йиғи-нида бўлиб ўтди.*

■ **Бек НАЗАР**  
«Mahalla»

Фуқаролар йиғини фаоллари, ҳудудга бириктирилган масъ-уллар, профилактика инспек-торлари иштирок этган йиғилишда туман ҳокимининг ўринбосари Иб-роҳим Холйигитов фуқаролар йиғин-лари фаолиятини такомиллаштириш борасида йил бошида белгиланган чора-тадбирлар қандай самара бе-раётгани ҳақида гапирди.

Кейинги пайтда фуқаролар йи-ғинлари фаоллари аҳолининг эҳ-тиёж ва имкониятларини ҳисобга олиб, янги лойиҳаларни амалга оширишда, иш ўринлари яратишда фаоллик кўрсатишаётир. Натижада ўтган йили маҳаллалар ҳудудида 511 та кичик корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 600 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Тумани 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида санат маҳсулотлари иш-лаб қиқаришга ихтисослашган кор-хоналар барпо этиш, мавжудлари-ни модернизация қилиш устувор ва-зифа сифатида белгиланган. Шунга мувофиқ, қишлоқларга саноатнинг кириб келиши меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий қафолати бўлмоқда. Айни пайтда бу йўналишда ишлаб чиқил-ган янги лойиҳаларни амалга оши-риш учун банк кредитлари ажратиш, инвестициялар жалб этиш устида иш олиб борилаётир.

> [2]

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!

Сизни Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман. Халқларимиз фашизмга қарши елкама-елка қаҳрамонона жанг қилган ва беҳисоб қўрбонликлар эвазига ўзларининг ҳаётини, эркинлигини ва муносиб келажагини ҳимоя қилган. Биз миллионлаб қўрбонлар хотирасига таъзим қиламиз ва мислсиз жанглاردан омон чиқиб, бизни тинчликни асраб-авайлашга, қадрига етишга даяват этган ота-боболаримиз-нинг жасоратига ҳамиша юксак эҳтиром кўрсатамиз.

Буюк Ғалаба ёди бугун ҳам мамлакатларимиз халқла-рини бирлаштирмоқда. Биз бу йил 10 йиллигини нишон-лайдиган Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси

ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бу-нинг ёрқин тасдиғидир. Ишончим қомилки, Россия ва Ўзбе-кистон алоқаларининг янада мустақамланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хиз-мат қилади.

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Ўзбекистонда яшаёт-ган Улуғ Ватан уруши фахрийларига миннатдорлигим ва энг самимий табрикларимни, бутун Ўзбекистон халқига тинч-лик ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**  
Россия Федерацияси Президенти

#### 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## Инсон қадри ва шаънига чексиз эҳтиром

*Инсон хотира билан тирик, қадр билан барҳаёт. Шу боис юртимизда ўтганлар хотирасини эъзозлаш, бугунги тинч, осо-йишта, дориламон кунларга етишимизда фидойилик кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, нуроний отахону онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш эзгу анъанага айланган.*

■ **Толибжон НИЗОМОВ**  
«Mahalla»

Хар йили 9 май — Хотира ва қадр-лаш куниган бағишланган маъна- вий-маърифий тадбир-лар республикаимизнинг барча ту-ман, шаҳар марказларида, маҳал-лаларда, қишлоғу овулларда кўта-ринки руҳда ўтказиб келинаётир. Президентимизнинг 2014 йил 18 ап-рель куни қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағ-батлантириш тўғрисида»ги фармо-ни ижросини таъминлаш мақсоди-да ушбу шодийнани уюшқоқлик би-лан нишонлашга қизгин тайёргар-лик кўрилмақда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фон-

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органлари тўғрисида» ва «Фу-қаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонунларда маҳаллий ҳокимият ва-киллик органлари депутатлари зим-масига фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш бўйича ҳамда асосий фао-лият йўналишлари бўйича комиссия-лар билан доимий ҳамкорликда иш-лаш белгиланган. Бу ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларидаги сайлов-ларда муҳим аҳамият касб этди.

> [2]



## КЎРИК-ТАНЛОВ

Вилоят босқичига  
ҳозирлик қизгин

*Фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилганига ўн йил бўлди. Уштан қисқа вақт мобайнида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, тинчлик-осойишталикни таъминлашда маслаҳатчиларнинг хизмати алоҳида экани ўз тасдиғини топди.*

■ Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

Хоразм вилоятида 602 та маҳаллада фаолият юритаётган маслаҳатчилар ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, азалий қадриятларни асраш ва ривожлантириш, миллатлараро товулиқни таъминлашда айрат ва ташаббус кўрсатишмоқда.

Вилоятнинг барча тумон ва шаҳарларида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танлови якунига етди.

— Ушбу кўрик-танловда тумандаги 49 нафар маслаҳатчи орасидан саққиз нафари сараланди, — дейди Гурлан туманидаги 11-сон шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи-

си Хосият Йўлдошева. — Маслаҳатчилар уч шарт бўйича: ҳужжатларни юриштиш, оилаларда учрайдиган турли муаммоларга ечим топиш, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш каби йўналишларда ўзаро бохслашишди. Айниқса, «Соғлом бола йили» Довлат дастурининг ҳаёта татбиқ этилиши бўйича савол-жавоблар қизиқарли бўлди. Маслаҳатчилар орасида тумон босқичида ғолиб деб топилганим, кўп йиллик меҳнат ва тажрибаларим самараси, деб ўйлайман. Менга кўрсатилган ишонч кейинги фаолиятимда асқатиши тайин.

Гурлан туманида ўтказилган кўрик-танловда маслаҳатчилар ўзаро келишган ҳолда эркин мавзуда тўртинчи шарт бўйича қизгин бохслашишди. Унда барча мавзулар соҳна кўринишида намойён этилди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг вилоят босқичига қизгин тайёргарлик қиришмоқда.

## НУРОНИЙЛАР ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КҲ

Насиҳати ибратли,  
фаолияти таъсирчан

*Коллежни битириш арафасида турган ораста ва оқила қиз Нигоранинг уйдан совчиларининг қадами узилмай қолди. Маҳаллада уни келин қилиш истидада юрганлар талайгина экан. Нигоранинг ибосию ҳаёси кўзидан сезилиб туради.*



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

## ■ Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Турон» маҳалла фуқаролар йиғини ибратли ва намунали масканлардан. Унинг қошида фаолият юритаётган «Нуроний» жамоатлик кенгашининг олиб бораётган тарғибот ишлари ёшларимизни барқамол қилиб воёга етказишда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди.

— Маҳалламизда 4650 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғин масъул котиби Фотима Акбарова. — «Нуроний» жамоатчилиги кенгаши ҳудудимиздаги қатта ҳоётий тахрибага эга отахону онахонлардан таркиб топган. Ёшлар ўртасида жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб этиш, эрта никоҳларнинг олдини олишда уларнинг тахрибаларига, маслаҳатларига таянамиз. Маҳалламиз нуронийлари ёшлар билан ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида учрашиб, уларга қизиққан соҳалар бўйича йўл-йўриқ кўрсатишди.

Йиғинда ўтказиладиган ҳашарлар, оммавий тадбирлар фарзандларнинг қадриятларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришига хизмат қилаётди. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўчалармзорлаштиришда нуронийлар ёшларга ўрнак бўлишоепти.

— Фарзандда кўникма, малака ҳосил бўлган, у иштиёқ билан ўша ишни мустақил бажара олади, — дейди «Турон» маҳалласининг «Нуроний» жамоатчилиги кенгаши аъзоси Яхё Файзуллаев. — Маҳалла ҳар доим тарбия маскани сифатида қадрлаб келинган. Айниқса, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, яхши тарбия беришда мазкур гўшанинг ўрни бекиёс. Биз уларнинг миллий онъаналаримизга ҳурмат руҳида воёга етишларида, ватанпарвар бўлиб ўлғайишларида таъини вазифасини ўташишимиз лозим.

Ҳа, нуронийларнинг бой ҳоёт тахрибаси қўллаб эзу амалларга туртки бўлаётди. Зеро, уларнинг панду насихатлари ёш авлоднинг тарбиясида муҳим дастуриламалдир.

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

## Малакали ва сифатли тиббий хизмат



■ Т.А. олган сурат.

*Мамлакатимизда барча соҳалар қатори тиббиёт тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилгани аҳоли саломатлигини асрашда, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.*

■ Илҳомжон РАҲМАТОВ  
«Mahalla»

Айниқса, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўркам, шинам муассасаларда фаолият юритаётган соҳа ходимларининг билим ва тахрибалари ҳам талаб даражасида. Аҳоли ўзининг шароити ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, пуллик тиббий муолажалардан ҳам фойдаланиши мумкин. Мухими, инсон манфаатлари устувор мамлакатимизда бепул тиббий хизмат кафолатланган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Сифатли тиббий хизмат: унда ким қандай имтиёзга эга? Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари» мавзусига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида мазкур йўналишда амалга оширилоётган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига батафсил маълумот берилди. Тадбирда вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ва пуллик хизмат кўрсатишнинг замонавий тизими яратилган. Бу борадаги ишлар «Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга

солинмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар доирасига шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида ва давлат тасарруфидида даволаш-профилактика муассасалари, қишлоқ жойлардаги тиббиёт масканларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам, юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари қиради. Мамлакатимизда ижтимоий ҳавфи юқори бўлган сил, ўсма, руҳий, нарколептик, эндокринологик, касб касалликларига қалинган беморларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам бепул амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, болалар, ўсмирлар, қақрув комиссияси йўлланмасига эга қақриқ ёшидаги фуқаролар, ҳимолдор аёллар, имтиёзли тоифадаги аҳоли қатлами ҳам бепул тиббий ёрдам билан қамраб олинган. Бу мақсадга сарфланган барча харажатлар давлат бюджетидан ҳисобидан молиялаштирилади.

Бозор ислохотлари шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, рақобат муҳитини қучайтириш мақсадида тиббиёт тизимида пуллик хизматни жорий этиш муҳим омил саналади.

Айни пайтда бу йўналишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиб-

биёт марказларида ҳам пуллик хизмат кўрсатишнинг замонавий тамойиллари жорий этилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг замонавий тиббий ёрдамдан фойдаланиш даражасини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни ривожлантириш, жаҳон тиббиёти ва илм-фани эришган илгор ютуқларни тизимга кенг жорий этишга хизмат қилаётди.

— Мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида ҳар икки йўналиш — бепул ва пуллик тиббий хизмат жараёнида беморлар учун бир хил шароит яратилиб, мутаносиблик таъминланмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов. — Кейинги йилларда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида вазирлик томонидан ўнга яқин меъёрий ҳужжат қабул қилинди. Тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва масъул ходимларининг билим ва малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилаётди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини ҳимоялашда, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда, тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.

Этироф этилдики, даволаш-профилактика муассасаларида беморларга бериладиган имтиёзлар жараёнида маҳалла билан узвий ҳамкорлик ўрнатилган. Жўмладан, кам таъминланган оилалар вакиллари моддий ёрдам олаётган даврда фуқаролар йиғинининг тегишли маълумотномаси ҳамда йилгиш баённомаси асосида имтиёзга эга бўлади. Бундай раҳмҳўрликларга яна ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Энг асосийси, бепул ва пуллик тизимга оид тартиб-қоидалар, бу ҳақдаги батафсил маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг интернетдаги веб-сайтига жойлаштирилган, шифохоналарга кўринарли тарзда ўрнатилган. Шунингдек, жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган тарғибот тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида кенг маълумот бериб боришмоқда.

Анжуманда соҳада олиб борилаётган ишлар кўргазмали воситалар, электрон спайдлар ёрдамида намойиш этилди. Тизим раҳбарлари кўн тартибидида масала юзасидан иштирокдош режалар ҳусусида ҳам гапирдилар.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари мутасаддиларидан атрофлича жавоб олдилар.



## «Samsung» товон тўлайди

*АҚШнинг Калифорния штатидаги Сан-Хосе шаҳар суди «Samsung»ни «Apple» компаниясининг иккита патентини бузгани учун жавобгар, деб топган.*



Энди Жанубий Корея корпорацияси америкалик рақобатчисига 119 миллион 600 минг доллар миқдорда товон тўлайди.

Смартфон бозорида «Samsung»нинг бу йилги улуши ўтган йилги 32,4 фоиздан 31,2 фоизга тушган. «Apple» хиссаси эса 17,5 дан 15,3 фоизга пасайган.

## Поезд издан чиқди

*Ҳиндистон ғарбидаги Махараштра штатида локомотив ҳамда унинг тўртта йўловчи вағони издан чиқиб кетган.*



Фожио оқибатида 19 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 30 нафар йўловчи турли даражада жароҳат олган.

Маҳаллий аҳоли йўловчиларни ичимлик суви, дори-дормон ҳамда транспорт хизмати билан таъминлаган.

Дастлабки маълумотларга кўра, ҳодисага поездининг техник ҳолати ёмонлиги ва бошқарувдаги хатолик сабаб бўлган.

## Кўмак зарур

*Донор мамлакатлар суриялик миллионлаб қочқинларга ёрдам беришда етарлича ғайрат кўрсатмаётди.*



БМТ Қочқарлар ишлари бўйича олий комиссари Антонио Гутерреш Иордания шимолидаги Затарий қочқинлар лагерида Иордания,

Ироқ, Ливан, Миср ва Туркия расмийлари билан ўтган учрашувда суриялик қочқинларга жуда кам ёрдам берилаётганини таъкидлади.

Затарий лагери айни пайтда юз мингдан зиёд сурияликка бошпона вазифасини ўтамоқда.

Фуқаролар уруши туйғали ҳозирчада 2,5 миллиондан зиёд суриялик ватанини тарк этишга мажбур бўлган. БМТ ҳисоб-китобига кўра, жорий йил охиригача бу рақам 4 миллионга етиши мумкин.

■ Интернет материаллари асосида  
Ф. КОМРОН тайёрлади.

## ЁШЛАР СИЁСАТИ — АМАЛДА

## Эртамик эгалари тақдирига масъулмик

*Ёшларни маънавиятлик, жонқуяр, мустақил фикрга эга, ватанпарвар этиб тарбиялаш жамиятимизнинг асосий вазифалари сирасидандир. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадга қаратилган сабъ-ҳаракатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.*

■ Эркин ҚОСИМОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
техника фанлари доктори,  
профессор.

Бинобарин, ёш авлоднинг онги ва тафаккурини шакллантириш оиладан, маҳалладан бошлади. Уларни Ватанга садоқатли, эртанги кунга ишонч руҳи билан ўсиб-ўлғайишда таълим муассасаларининг олоҳида ўрни бор. Хусусан, олий таълим даргоҳларида ёшлар онги ва дунёқарошларини юксалтириш мақсадида маънавий-маърифий ишлар жонлангизилинмоқда.

Сир эмас, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб воёга етишда уларнинг оилавий шарт-шароити, ёру дўстларининг дунёқароши каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Кам таъминланган талабаларнинг оилавий аҳолини, уй-жой шароитини мукаммал ўрганиш ва зарур бўлса ёрдам бериш ҳар томонлама мақбул усул. Бу билан уларни турли норасмий оқимлар таъсирига

тушишдан асраган бўламиз. Ўқув масканларида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг янги усулларини ишлаб чиқишда ёшлар онгини йил сайин ўсиб бораётганини ҳам инобатга олиш лозим.

Ўзлаштириши, тартиб-интизом билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ёшларни рағбатлантириш уларнинг руҳиятига, келгуси ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиши табиий. Ана шуни инобатга олиб, Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида бу борада яхши тахриба тўплаган. Жўмладан, аълочи ҳамда ўзлаштиришда орқада қолаётган талабаларнинг ота-оналари билан институт маъмурияти, профессор-ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирларнинг урчушуларини мунтазам уюштириш анъона тусини олган.

Гуруҳ раҳбарлари ота-оналар олдида аълочи талабаларнинг ибратли хулки, фанларни ўзлаштириши, намунали интизоми тўғрисида маълумот беради. Шу билан бирга, айрим талабаларнинг ўқув жараёнида эътиборсизлиги уларнинг ота-оналарига очик-ойдин маълум қилинади. Бундай ташаббус натижасида ёшлар тарбиясида бирмунча ижобий

ўзгаришлар кўзатишмоқда. Айниқса, фарзанди эсли-хушли ва аълочи ота-оналарнинг хурсандлигини айтмай-сизми! Қолаверса, бу усул бошқаларнинг ҳам ўз фарзандларига эътиборини қучайтирмоқда. Натижада ўзлаштириши пост ёҳуд хулки ёмон талабаларда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётди.

Бозан айрим талабаларнинг тушқун қайфиятда юрганини қўриб қоламиз. Аслида бундай ёшларнинг кўнглига йўл топсангиз, қанчалар билимдон ва одобли экани оён бўлади. Бироқ улар табиатида жонзоблик, жўшқинлик ва ишбилармонлик ўрнига маъсуслик, қоқайдиқ устувор. Нега шундай? Бунинг сирини, албатта, уйдаги, маҳалла-қўй, қолаверса, ўқув юртларидаги маънавий муҳитдан изласак тўғри бўлади.

Ҳар қандай оиладаги нотинчлик фарзандлар руҳиятига салбий таъсир қилмай қолмайди. Бунинг оқибатида уларда ишончсизлик, қўрқув, маъсуслик, ўз фикрини ифодалай олмаслик ҳолатлари юзага келади. Натижада фарзанд кўвончини қўчандан қидиради ва топоди ҳам. Биз эса болани уйга қайтаришга беҳуда уриномиз. Уйда фарзандлар тарбиясига вақт ажратмас эканмик, маънан етук овлод тарбия қила олмаймик. Шу боис болалар олдида жаҳолатга йўл қўймаслик лозим. Ҳолбуки, ҳаётда бунга енгил-елли қарайдиган ота-оналар ҳам учраб туради.

Ёшлар муаммоларини ечим бир-гина оила, маҳалла ёки ўқув юрти



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

доирасида амалга ошириладиган иш эмас. Бу иқтисодий-ижтимоий ва маънавий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ улкан ижтимоий масаладир. Ёшлар тарбиясини юксалтириш мақсадида «Ўзбекистон тарихи», «Оила ва ёшлар», «Маҳалла ва ёшлар», «Ёшлар ва сиёсий ҳаёт», «Дин ва ёшлар», «Маданият ва ёшлар», «Санъат ва ёшлар» каби йўналишларда махсус дастурлар иш-

лаб қилинса, яхши бўларди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ёшлар тарбиясига дахлдор муаммоларни илмий асосда таҳлил этиш зорур. Бу борада етук олим ва мутахассислар фикрларига таяниб иш тутилса, қўзланган натижага эришилади. Шундагина жамиятимиз учун ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаб беришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.





9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Инсон қадри ва шаънига чексиз эҳтиром

< [1]

Мисол учун, Тошкент шаҳрида яшётган 100 нафар, Тошкент вилоятида 232 нафар ҳамда Сирдарёдаги 68 нафар, жами 400 нафар нуронийга 30 миллион сўмлик озик-овқат маҳсулотлари, кийим-бош ҳаёя этиш кўзда тутилган. Ҳозирда Фонд бўлиmlари фаоллари билан биргаликда совғалар тайёрланиб, тегишли ҳудуддаги Мурувват уйларига етказиб берилди.

Ҳар куни эрта тонгда дуога қўл очадиган нуроний отахон, онахонларнинг эзгу тилаклари юртимиз тинчлиги, элимиз соъмурилигини кўзлайди, албатта.

— Аини пайтда туманимизда 128 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 1052 нафар фронт орти меҳнат фаҳрийи истиқомат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улугбек тумани бўлиnmаси раиси Нуржон Алланазарова. — Юртбошимизнинг шу йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони нуронийларимизга кўрсатилётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида қатор хайрли ишлар амалга оши-

рилмоқда. Хусусан, фаҳрийларга озик-овқат, саноят моллари ва совғалар тарқатиш, уларнинг соғлигини тиклаш учун сихаттоҳларга йўланмалар, бепул ҳамда имтиёзли нархларда дори-дармонлар ахратиш, юртимизнинг тарихий шаҳарлари ва муқаддас қадамжоларга соъҳатларини уюштиришни режалаштирдиқ.

Кун сайин тобора обод ва кўркам қиёфа касб этаётган диёримизнинг ҳар бир гўшасида Хотира хиёбонлари яшнб турибди. Бу масканларда байрам арафасида уч овлод учрашувлари ташкил этилиб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уруш қатнашчилари, меҳнат фаҳрийлари билан ибратли мулоқотлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлар ёшларимизни Ватонга муносиб фарзанд бўлишга, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишга ундаши шубҳасиз.

Юртдошларимиз кўз ўнгида алоҳида салобат ва улугворлик касб этиб турган Мотамсаро она тимсолидаги муаззам монументлар инсон ҳаёти абодий бўлмасада, аммо унинг хотираси, эзгу амаллари келажак авлодлар ёдидан асло ўчмаслигини намоён этиб тургандек гўё.



— Ўқиб олган сурат.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Ҳамкорлик кенг кўламги ва истиқболли

< [1]

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғини раислигига номзоди кўрсатилганлардан ташқари, вилоятдаги барча депутатлар ўз округларида мазкур сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси ёки аъзоси сифатида фаолият кўрсатдилар. Халқ ноиблари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда оҳолига янги таҳрирдаги қонунларни тарғиб этиш билан бирга, сайловларда иштирок этиш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи эканлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. Натижода биригина Марҳамат туманида маҳалла раислигига сайланганларнинг 68,6 фоизини олий маълумотлилар ташкил этди.

— Маҳаллий кенгашимиз жойларда аниқланган муаммолар асосида Фонднинг туман бўлиnmаси билан ҳамкорликда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга доир масалалар бўйича кенг кўламли дастурларни шакллантирмоқда, — дейди халқ депутatlари Марҳамат тумани Кенгаши депутatlи Ортиқали Хусанов. — Фонд туман бўлиnmаси ва кенгаш ташаббуси билан «Оқбoш», «Тош йўли» маҳаллалари, Полвонтош шаҳарчаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, «Жийдамозор», «Увайсий», «Оқбoш» маҳаллаларида ички йўлларни таъмирлаш каби возифалар дастурга киритилди.

Яна бир мисол. Фонднинг туман бўлиnmасига «Минтепа» маҳалласида яшовчи Отабек Алиев оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйишда

ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу ариза халқ депутатлари туман Кенгаши аралашуви билан ижобий ҳал этилди. Ҳозирда тадбиркор «Минтепа йўли жилоси» оилавий корхонасини очиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқармоқда. Натижода 8 та янги иш ўрни яратилди.

Халқ депутатлари Андижон тумани Кенгаши ўз мажлисларида Фонднинг туман бўлиnmасига тушган аризалар таҳлилини муҳокама қилиб боради. Кейинги ойлорда тадбиркорлик масаласидаги мурожаатлар қўпайгани инобатта олиниб, бўлажак ишбилармонларга банкдан имтиёзли кредит ажратиш масаласи ўртага ташланди.

— Буни қарангки, туман Кенгаши билан ҳамкорлигимиз жойларда тадбиркорликка кенг йўл очди, — дейди туман бўлиnmаси раисининг ўринбосари Ҳокимжон Муллажонов. — Қишлоқларда хунармандлар, саватсозлар, чеварлар, этиқдўзлар қўчалари пайдо бўлгани фикримизнинг исботидир. Қуни кеча иш бошлаган «Бобоғози» маҳалласидаги оилавий тадбиркор Илҳомжон Жўраев бугунга келиб маҳалла аҳлини саватсозликка ўргатаётир.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллий кенгашларнинг Фонд тузилмалари билан ҳамкорлиги натижасида Андижон вилоятида кенг кўламда бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошмоқда. Натижода маҳалла гузарлари замонавий қиёфа касб этиб, мустақиллигиимизнинг бутун қучқудрати, кўрк-таровати ва жамолини намоён этаётир.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Худуд ва чегара яхлитлиги тартиб-қоидаларга мос



**Бухоро вилояти Олот туманидаги «Эски Олот» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги географик майдони катта ва аҳолиси кўп масканлардан. Унинг бир чеккасида йиғин идораси томон отланган киши жамоат транспортида 2-3 километр йўл босади.**

■ Акбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Қолаверса, уч ярим минг нафардан зиёд аҳоли, 1070 та оила билан ишлаш, ҳар куни ушбу хонадонларга кириб шарт-шароитни ўрганиш 4 та штат бирлигидан иборат маҳалла фаоллариға ҳам бирмунча қийинчиқлар туғдирирди. Албатта, зиммадаги масъулият ҳамда вазифанинг имконият даражасидан ортиқлиги иш сифатиға ҳам таъсир кўрсатар эди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунға мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларға ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида халқ депутатлари Олот тумани Кенгаши қарори билан маҳалланинг Ўрикзор, Бодомзор, Чағас, Шодлик аҳоли

пунктларида «Янги Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди.

— Аини пайтда 515 та оилада 1640 нафар аҳоли истиқомат қилаётган янги маҳаллада раис, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори фаолият юритмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондi туман бўлиnmаси раиси Бахтиёр Воҳидов. — Қисқа фурсатда ушбу йиғин учун туман поликлиникасининг аввали биноси реконструкция қилиниб, фойдаланишға топширилди. Фонд туман бўлиnmаси томонидан уларға мебель, ўқув-услубий адабиётлар етказилди.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори асосида Бухоро вилоятида шу вақтға қадар тўртта маҳалла янгидан ташкил этилди. Шу жумладан, халқ депутатлари Ђиждвон тумани Кенгаши қарори билан «Чағдар» маҳалласи неғизида «Чағдар» ва «Обод» маҳаллалари, Фиршкент қишлоқ фуқаролар йиғини неғизида эса Фиршкент қишлоқ ҳамда «Янги обод» маҳалла фуқаролар йиғинлари, Қорақўл тумани Кенгаши қарори асосида эса Жигачи қишлоқ

фуқаролар йиғини ҳудудида «Кетмондўди» маҳалласи ташкил топди.

Шу муносабат билан ушбу йиғинларда қонунчилик талаблари асосида йиғин раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозимлари жорий қилинди.

— Бугун аҳолининг ташвиши ҳам, қувончи ҳам маҳалла билан бирга баҳам кўрилади, маъракаси ҳам, тўйи ҳам йиғин билан ҳамжиҳатликда ташкил этилади, — дейди шу ҳудудда яшовчи меҳнат фаҳрийси Исмоил Носиров. — Илгари маҳаллага ишимиз тушса ёки бирор-бир маълумотнома керак бўлиб қолса ярим кунимиз йўлда ўтарди. Энди ўйлаб кўринг, маҳаллага, аввало, ҳолатманд киши боради. Уша топда ҳар дақиқа ҳам унга ғаминнат. Шу нуқтаи назордан янги маҳалланинг ташкил этилгани биз учун қўлай бўлди. Йиғин гузари ёнимизда. Ишимизни ҳам йўл-йўлақай битириб келямиз.

Муқтасар айтганда, Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларға ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, у асосда фуқаролар йиғинлар фаолияти самарадорлиги янада ошади.

нал хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини янада яхшилашда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклиқни кучайтириш бўйича таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди. Бу масалалар туман ҳокимлигида тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилиб, уларни ҳал этиш бўйича оник чора-тадбирлар белгиланди.

ПАРЛАМЕНТДА

Очиқлик тамайилининг ҳуқуқий асоси

**Аввал хабар берилганидек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, кейинги босқичга тайёрланмоқда.**

■ Фарҳод ЭСОНОВ  
«Mahalla»

Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати томонидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Жараён: «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси муҳокамада» мавзусидаги матбуот анжумани бу борада амалга оширилаётган ишларга бағишланди.

Анжуманда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бирга иш олиб борилгани қонун ижодкорлигининг шаффофлиги, очиклиги ва самарадорлигини таъминлашга, ҳуқуқшунослар, олимлар, экспертлар, мутахассислар нодавлат нотижорат ташкилотлари фикрлари инобатга олинганини таъкидлашди. Бундай ёндашув қонун лойиҳасини маромига етказишда аҳоли кенг қатламини жалб этиш имконини яратди.

Ушбу жараёнда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳам фаол иштирок этаётгани алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат ва нодав-

лат ташкилотлари билан шартнома асосида йўлга қўйилган ҳамкорлиги ижтимоий шериклиқнинг ёрқин намунасирид. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишидан улар кўпроқ манфаотдордир. Чўнки қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ушбу ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асосини мустақкамлаб, унинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Анжуманда қонун лойиҳаси марказда ва жойларда ушбу ҳамкорлиқлар доирасида 30 дан ортқ тадбирда кенг муҳокама қилингани, уларда жами 2000 нафардан зиёд мутахассис, эксперт ва ННТ вакиллари иштирок этишиб, лойиҳани такомиллаштириш билан боғлиқ амалий таклиф ва мулоҳазаларини билдиришгани ижобий баҳоланди. Айниқса, жорий йилнинг 24 мартидан шу кунгача қўмита томонидан Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасининг очиқ муҳокамалари ва моддамамода ўқувлари ўтказилган. Шунингдек, ишчи гуруҳи муҳокамаларда сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳоракат депутатлар гуруҳи, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан билдирилган 300 дан ортқ таклиф ва тавсия муҳокама қилингани, уларнинг ақсарияти инобатга олингани эътиборга олиқ.

Матбуот анжуманида журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларға атрофлича жавоб олишди.



МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Таклиф аниқ, муаммага ечим ҳам бор

< [1]

Йиғилишда, шунингдек, туман газ таъминоти, электр тармоқлари корхонаси, таълим муассасалари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Маърузачилар ҳудуддаги мавжуд 2 та умумтаълим мактаби, 1 та мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ врачлик пункти фаолиятиға батафсил

тўхталишди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан ечимини кутаётган муаммолар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Жўмладан, КВГА тиббий хизмат машинаси ажратиш масаласи йиғилиш баённомасига киритилди.

— Туманимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишға қаратилган вазиғалар илчил амалға оширилаётганини йиғинимиз мисолида кўриб турибмиз, — дейди

маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жалил Кенжаев. — Бу борада фаоллар зиммасига катта масъулият юклатилган. Аини пайтда аҳоли турмуш моданиятини ошириш, ободонлаштириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда тегишли ташкилотлар билан тизимли иш олиб борилмоқда.

Тумандаги 12 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган ҳисоботларда аҳолининг комму-

нал хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини янада яхшилашда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклиқни кучайтириш бўйича таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди. Бу масалалар туман ҳокимлигида тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилиб, уларни ҳал этиш бўйича оник чора-тадбирлар белгиланди.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Шароит ва қулайлиги шаҳардаги уйларға тенг

< [1]

Сурхондарёликлар ҳам намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларға миннатдор бўлиб кўчиб киришаётир. Янги аҳоли массивларидаги қулайликлар уларнинг фаровон яшашлари учун ғамхўрлик намунаси эканини дилдан ҳис этмоқдалар. Обод турмуш йили давомида Қўмқўрган туманидаги Пахтаобод массивида барча шарт-шароитларға эға маиший хизмат кўрсатиш уйи, Сариосиё туманидаги Фозил кўчи массивида савдо дўкони қурилиб фойдаланишға топширилди. Денов туманидаги Катта Қарши массивида замонавий маиший хизмат кўрсатиш иншооти қурилиб ишға туширилди. Ўтган йили Сурхондарёнинг 23 массивида қад рoстланган 810 та якка тартибдаги уй-жойни тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш учун 24 километрға яқин ичимлик суви, 20 километрға яқин табиий газ қувури, қарийб 25

километр масофаға электр тармоғи тортилди.

Соғлом бола йилида эса вилоятдаги Ангор тумани «Наврўз» маҳалласи, Денов туманидаги Пасткизилжар массиви, Олтинсой туманидаги Хидиршо, Сариосиё туманидаги Сарижўй, Қўмқўрган туманидаги Боймоқли қоби жами 26 та массивда намунавий лойиҳалар асосидаги 887 та замонавий уй-жой қурилиб, ўз эғаларига топширилди. Бунинг учун ажратилган 105 гектардан ортқ ер майдонида бугун қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Гўлнора Ҳўжамқулова Ангор туманининг «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. У чинакам бахтни истиқлол даврида топганини таъкидлайди. Бугун у — янги қурилаётган уйлاردан бирининг эғаси, орузсидаги шинам ва кўркам уйнинг соҳибаси.

— Илгари шаҳарда яшашни кўпчилик қишлоқ аёллари орзу қилгани рoст. Биз ҳам уй меҳнатларини

енгиллаштирадиган шароитларға ҳавасманд эдик. Мана, энди қишлоғимиз аёллари ҳам шаҳарликлар қоби қўлай шароитларда яшашмоқда, — дейди Г.Ҳўжамқулова. — Тўрт хонали бежирим уйимиз, мўъказ ховлимиздаги батартиблик, қолаверса, бундай уйлар боис қишлоқ ахлининг юксалиб бораётган турмуш моданиятини ҳар қанча тавсифласам кам. Бирок бунёд этилаётган аҳоли массивларида кишилар узоғини яқинлаштирадиган, оғирини енгиллаштирадиган маиший хизмат объектиларининг ҳам ҳисобға олингани барчани мамнун этди. «Наврўз»имизда ҳам спорт объекти, маиший хизмат ва савдо шохобчалари қад рoстламоқда. Бўёғини сўрсангиз, юртдошларимизнинг мазкур шароитларға мос ҳолда турмуш тарзи ҳам юксалиб бормоқда. Уларнинг янги-янги режалар оғушида яшайётгани келажакка бўлган ишончидан далолат.

Президентиимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой

қурилиши қўламини кенгайтиришға оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ўтган йилларда Ангорда 180 та ана шундай уй-жой қурилиб, ўз эғаларига топширилди. Жорий йилда Наврўз массивининг ўзида 45 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлса, йил бошидаёқ уларға эғалик қилиш учун аризалар йиғилди.

— Фуқаролар йиғинлари томонидан мазкур уйлар жойлашган аҳоли массивларини кўқаламзорлаштириш, йўл ва йўлақлар атрофини ободонлаштириш ишлари жадал олиб бoриляётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ангор тумани бўлиnmаси масъул котиби Дилноза Бобомуродова. — Жорий йилги умумхалқ хайрия ҳаширида аҳоли массивлари атрофини кўқаламзорлаштириш, гул, мевали ва манзарали даракт кўчалари ўтказишға алоҳида эътибор қаратилди. Бугун ниҳоллар гуржираб ўсиб, қишлоқларимиз қиёфаси чирой бағишлб турибди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидан бўён биригина Сурхондарё вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 75 та уй-жой қурилиб, фойдаланишға топширилди. Мамлакатимиз қишлоқларини шаҳарларға бўйлаштираётган бундай уй-жойларға талаб тобора ортиб бoраётир. Обод турмуш йилида республикаимизда намунавий лойиҳалар асосидаги 10 мингта уй-жой барпо этилган бўлса, жорий йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метрни эғаллайдиган 11 мингта намунавий уй-жой қурилиш режалаштирилди. Чўнки узок муддатли имтиёзли кредитлар аҳоли учун ҳар томонлама афзал. Қишлоқлар аҳолиси ортиқча оворогарчиликлар, югур-югурларсиз, қисқа муддатларда тайёр уйға кўчиб ўтишайтир. Қолаверса, турли инфратузилма объектиларига эға аҳоли массивларининг комплекс барпо этилаётгани яқин келажакда бундада гўзал манзаролар туғфа этиши тайин.

## АНЖУМАН

# Ишбилармонлик ва инвестиция муҳити кичик бизнес ривожига учун

< [1]

■ Я.А.ИДІРОВ оқып сұрап.

# Банан энди ўзимизнинг маҳсулот

A photograph showing a large bunch of green, unripe bananas hanging from a banana tree. The bananas are clustered together, and the large, broad leaves of the tree are visible in the background.

Пайриқ туманининг Челоқ шаҳри «Ўжаобод» маҳалласи аҳлининг шунчаки қизиқиши боис, банан туپроғимизни ҳушлайдими, йўқми, деб бошлаган таваккал ҳаракати бугун кенг қулоқ ёйди. Тури ноёб ўсимликлар ишқибози Ўқтам Пўлатов ҳовлисига

## УЙ БОШЛИФИ ФАОЛИЯТИДАН

# Файз ва кўркамлик саришталикдан

— Маҳаллада ҳар мавсумда ёшлар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этиш анъанаса айланган, — дейди 4-ўйда истиқомат қилувчи Нарғиза Расулова. — «Болалар кулгуси», «Спорт — соғлиқ гарови», «Спортга меҳр оиладан бошланади» каби беллашувларда ўйимиздаги спорт билан мунтазам шугулланувчи оилалар иштирок эта-

A photograph showing three women in an office environment. One woman with blonde hair, wearing a grey top and a pearl necklace, is seated at a desk and looking at a computer monitor. Another woman with dark hair, wearing a blue patterned top, is seated next to her, also looking at the monitor. A third woman with blonde hair, wearing a green and blue top, is standing behind them, holding a white folder or document. The background is a blue wall with several posters and notices pinned to it.

Уй бошлиғи хонадонлар томонидан коммунал тўлов-

Умуман, бундай ўзгаришлар мамла-  
иктисодий ҳаётидаги ишчанлик ва ин-  
стиция муҳитини яхшилайди, банк би-  
н тадбиркорлар ўртасидаги муноса-  
ларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

# Кичик кўмакнинг катта самараси

банкнинг 20 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи эвазига «Рухшона – Нилуфар» масъуляти чекланган жамиятини ташкил этди. Аёллар кийим-кечакларини тикишга ихтисослаштирилган мазкур цехда овулнинг 20 нафар ёши

# Янги ва кафолатли иш ўринлари

Кейинги йилларда қишлоқда 25 миллион сўмлик кредит маблагини эвазига бунёд этилган хизмат қўраштин мажмуасида 24 нафар ёш меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, ҳудудда тикувчилик цехи иш бошлади ва интенсив бос барпо этилди. Паррандачилик, асаларичилик ҳўжалиқлари ташкилланган. Натижада 45 та янги иш ўрни яратилди, 20 нафар коллеж битирувчиси фойдали меҳнатга

— Туманимизда тадбиркор бўлман деганлар учун бизнес лойиҳалар дастурларни амалга оширишда «Маслаҳат марказлари» томонидан «Бизнес режа тузиш бўйича», «Бизнес фаолиятини бошлаш учун 202 лойиҳа» номли кўлланмалар асосида иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатишнинг қисқа мuddати курслари ташkil этилган, — дейди «Маҳолла» хайрия жамоат фонди туман бўлимига сaмaсул кутуби Акрам Болтабоев. — Курсларда мутахассислар тадбиркорларга зарур йўналишларда маърузалар ўқиб, керакли тавсиялар бeришмоқда. Маскур курслар тадбиркорлик фаолиятида ўзини синaб кўрмоқчи бўлган ёшлар сонининг oртишига твoтқи бўлмоқда.

Жорий йилда туманда 300 дан зиёд бизнес лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, 25 та мавжуд саноат корхонаси фаолиятини кенгайтириш, 49 та озиқ-овқат дукони, 81 та сервис хизмат кўрсатиш шохобчаси, 79 та энгил саноат, 52 та кўп тармоқли фермерлик фаолияти кўзда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Маслаҳат марказлари»нинг сай-ҳаракатлари маҳаллаларнинг иқтисодий ривожланишига, овуллар инфратузилмасининг юксалишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.